O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2000 йил, 10 август, пайшанба № 96 (1360).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 10 августа 2000 г. № 96 (1360).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.


## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Бельгиянинг Монс шаҳрида кема моделчилиги спорти бўйича Жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Спортнинг бу тури бўйича жаҳоннинг манаман деган спортчилари билан беллашиш биз — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг спортчилари учун енгил кечмади. Сабаб, денгиз мамлакати бўлмаган ўзбекистонлик спортчиларни чемпионат ҳакамлари тушунишни қийин бир ҳол эди. Лекин Сизнинг Республикамиз спортини юксалтиришдаги саъй-ҳаракатларингиз, бизни янги-янги ғалабаларга чорлаб кўрсатаётган ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдамингиз, «Йигитлар, мустақил Ўзбекистонимизнинг довруғини бутун дунёга таратайлик», — деган сўзларингиз бизга мадад бўлди, руҳимизни кўтарди, иродамизни мустаҳкамлади ва биз ғалабага эришдик.

Ушбу ғалабамизни улуғ байрам — Мустақиллигимиз кунига халқимиз учун бир тўёна деб қабул қилсангиз, бошимиз осмонга етарди. Биз бундан кейин ҳам спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириб, халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғини юксалтиришга, жаҳон бўйлаб мамлакатимиз обрўсини оширишга сўз берамиз.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, юртимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизга ривож тилаб қоламиз.

**Л. РАЗУМОВСКИЙ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, халқаро тоифадаги спорт устаси, икки марта жаҳон чемпиони, Бельгиянинг Монс шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионатининг олтин медаль совриндори.**

**Ш. ИСМАТУЛЛАЕВ,**
**Халқаро тоифадаги спорт устаси, Бельгиянинг Монс шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионатининг кумуш медаль совриндори.**

Бельгия, Монс шаҳри.
3 август, 2000 йил.

## Террорчилар ниятига етолмайди

Хабар қилинганидек, август ойининг бошларида Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош тоғли ҳудудларида нотинч вазият вужудга келди. Юзга яқин террорчи Тожикистон орқали Ўзбекистон ҳудудига бостириб кириш учун тўплана бошлади. Хабарларга кўра, босқинчилар Афғонистонда махсус тайёргарлик машқларини ўтаган. Уларнинг мақсади юртимизда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш, наркотик ва қурол-яроғ олиб ўтиш учун йўл очиш, шу билан нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорликка путур етказишдан иборат.

Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мазкур воқеа муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов ва Ташқи ишлар вазири А. Комилов қатнашди.

Анжуманда таъкидланганидек, айни чоғда террорчи гуруҳлар Ўзбекистон ҳарбийлари томонидан қуршаб олинган. Босқинчиларни йўқотишда Тожикистон чегарачилари ҳам уларга яқиндан кўмак бераяпти.

Ҳаракатланиш қийин бўлган тоғли ҳудудларда террорчиларга қарши курашиш осон эмас. Шунга қарамай, жангариларнинг даралар ва табиий ғорларда писиб юриши узоққа чўзилмайди. Таъкидланганидек, улар қуршовга олинган. Босқинчи тўдаларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Чегара қўшинлари, Ички қўшинлари, шунингдек, Мудофаа вазирлиги бўлинмалари жалб этилган. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири шуни таъкидлар экан, жангарилар тез орада бутунлай йўқотилади ва вазият барқарорлаштирилади, деди.

**(ЎзА).**

**УЗУН. (ЎзА мухбирлари М. Намозов ва Ч. Тўхтаев хабар қилади).** Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларидаги баланд тоғ қишлоқларига Тожикистон орқали суқилиб кирмоқчи бўлган террорчилар гуруҳларини тугатиш борасидаги ишлар режа бўйича давом этмоқда. Жангарилар кимсасиз тоғ дараларидан бирида қуршаб олинган. Уларнинг Тожикистон Республикасига ўтиб кетиш йўллари тўсиб қўйилган.

Жангариларнинг радиоалоқа воситаларини кузатиб турган хизматчиларнинг таъкидлашича, тўқнашувларда ўн бешга яқин террорчи йўқ қилинган.

Террорчиларни бир ҳамлада ҳам йўқ қилишимиз мумкин, дейишди бизга ҳарбийлар. Лекин бунинг учун ўзимиздан ҳам қурбон беришга тўғри келар эди. Аскарлар ҳаётини хавф остига қўйишни истамаётган командирлар душманнинг аниқланган позицияларига қарата миномётлар ва вертолётлардан ўқ ёғдириш йўлини тутмоқда. Бу эса аскарлар орасида қурбон беришнинг олдини олаётир. Душман ўтиши эҳтимол бўлган барча сўқмоқлар, йўллар ва довонларда мустаҳкам назорат постлари ташкил этилган. Террорчилар ҳаракатини кечаю кундуз кузатиб турган аскарларимизнинг қурол-яроғ ва озиқ-овқатдан камчилиги йўқ. Ҳарбийларимизга маҳаллий аҳоли яқиндан кўмак бермоқда.

Ишончли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, мазкур босқинчи гуруҳлар сафида ўтган йили Қирғизистоннинг Боткен туманида юз берган қонли воқеаларда бевосита иштирок этган террорчилар ҳам бор. Жангариларнинг айримлари ўзаро хорижий тилларда сўзлашаётгани чегара ҳудудидаги тоғларда халқаро террорчилар гуруҳи жойлашиб олганидан далолат беради.

Жангариларнинг Ўзбекистон сари ёвузона юришдан бош мақсади — наркотик моддалар ва қурол-яроғ транзитини йўлга қўйиш. Улар ўзларининг барча кирдикорларини ҳар хил сиёсий шиору талаблар билан ниқоблашга уриниши мумкин. Лекин террорчиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш ва радио сўзлашувларини таҳлил қилиш уларда ҳеч бир сиёсий маслак йўқлигидан дарак бермоқда.

Жангарилар ўрнашиб олган ҳудудларга яқин бўлган Киштут, Саринова, Регистон, Кунтурмас, Ҳамидарча каби кичик тоғ қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли бехавотир жойларга кўчирилди. Уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Бу воқеалардан Сариосиё ва Узун туманлари, умуман Сурхондарё вилояти аҳолиси хавотиру таҳликага тушгани йўқ, кундалик осойишта меҳнат билан банд. Воҳада ҳаёт аввалгидек маромида давом этмоқда.

**(ЎзА).**

● ТАҚДИРИМГА ЭШСАН, ИСТИҚЛОЛ!

## БУРЧГА СОДИҚЛИК ШАРАФДИР

**Оддий аскар Ихтиёр Назаровни сафдошларидан ажратиб турувчи алоҳида бир белгиси ёки хусусияти йўқ. Билими, интилкиши, тиришқоқлигини ҳисобга олмаганда. Муддатли ҳарбий хизматига ҳам бир йилдан ошибди. У йигитлик мактабида биз санаган бу омилларга суяниб, кам бўлмади. Ихтиёр бугун нафақат бўлинмасида, балки қисмда ҳам илғор посбонлар сафида.**

**1. Мустақил Ватаннинг асл ҳимоячисига айланиш учун аскардан нима талаб қилинади?**

**2. Истиқлолнинг 9 йиллик одими ҳаётингизда қандай ўзгаришлар ясади?**

**3. Нурли истиқболимизни қандай тасаввур қиласиз ва бу йўлда нималар қилишга чоғланмоқдасиз?**



1. Мен муддатли хизматга чақирилгунимга қадар аскардан фақат жанговар қурол ва техника билан моҳирона ишлай олиш талаб қилинади, дея ўйлардим. Аммо янглишибман. Бунинг ўзи камлик қиларкан. Аввало посбон маънавий жиҳатдан шаклланган, тарихини, қадриятларини яхши биладиган ўғлон бўлмоғи лозим экан. Ахир биз инсонмиз. Фикрлашимиз, мулоҳаза юритишимиз лозим: нега Ватанни ҳимоя қиламиз, нега унинг ҳар бир қаричи биз учун муқаддас? Буни англаган посбонгина онгли равишда юртини ҳимоялашга отланади. Бундан ташқари замонавий техника ва қурол-аслаҳаларни ҳам профессионал даражада билмоғимиз керак. Тактика илми бу борада кўп нарсаларни ўргатмоқда.

2. Мустақиллигимиз эълон қилинганида 10 ёшни тўлдириб, 11 га қадам қўйгандим. Ўқитувчимиз озодликнинг қанчалар бебаҳо бойлик эканини илк бор ўтилган «Мустақиллик» дарсида тушунтиргандилар. Мен ўшанда тўла англаб етдим. Ота-боболаримиз ана шу ёруғ кунларни деб жон бериб, жон олишганини. Мен Қашқадарёнинг Китоб шаҳриданман. Биз томонларда миллий урф-одатлар ўзига хосда. Тўғриси, болалигимда уларнинг айримлари эриш туюларди. Мустақиллик сабаб, англаб етдимки, урф-одатларимиз миллий ўзлигимиз экан. Билсангиз, ҳозир ўша одатларни, расм-русумларни шунчалар соғинганман-ки. Тарихимизни ўқиб, ўрганиб, буюк боболаримни, бой ўтмишимизни кўпроқ билиб олдим. Бу ҳам истиқлол шарофати.

3. Хизматни Тошкентда ўтаётганим учун ҳам гоҳо командирларимдан рухсат текканида, пойтахтимизни сайр қиламан. Кичкина пайтим бир келгандим Тошкентга. Ҳозир шаҳарни таниб бўлмайди. Қанчадан-қанча бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари сабабли пойтахт ўз гўзаллигини янада кўз-кўз қилмоқда. Ҳатто бизнинг Китобга борсангиз ҳам улкан ўзгаришларни кўрасиз. Мен чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизни нурли истиқболимизга менгзайман. Бунёдкор халқим орзу қилаётган кунларига етади. Хизматни тугаллаб, билим олмоқчиман. Юртимга, халқимга фойдам тегадиган инсон бўлмасам, бир боқимандадан фарқим қолмайди-да. Ҳозирча муддатли ҳарбий хизматни шараф билан ўташ, жанговар шайликни ошириб, бурчга содиқ бўлиш мен учун шарафли ишдир.

**Катта лейтенант Ш. ТОЛМАСОВ ёзиб олди.**
**Капитан З. ТУХТАЕВ суратга олган.**

● ОТКЛИКИ НАШИХ ЧИТАТЕЛЕЙ

## МЫ НЕ БЕЗЗАЩИТНЫ!

Сообщение о вторжении боевиков на нашу землю заставило всех военнослужащих внимательно следить за событиями в Сурхандарье.

Не знаю, на что рассчитывали террористы и экстремисты, но им не удалось посеять тревогу и страх в наших сердцах. Узбекский народ миролюбив, но не беззащитен. Наши военнослужащие в достаточной степени вооружены и обучены, горят желанием дать достойный отпор зарвавшимся террористам.

Пусть запомнят те, кому наши достижения не по душе: девятую годовщину независимости наши воины встретят в высокой степени боеготовности.

**Капитан М. АКБАРОВ.**

